

ТОНГ ЮЛАДУЗИ

Муассислар: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МАТБУОТ ҚУМИТАСИ

Газета 1929 йил, 1 августдан чиқа бошлаган

№ 53 (65929)
1996 йил, 27 июль, шанбаСотувда эркин
наرخда

«АТЛАНТА», «ЎЗДЭУАВТО» — МЕНИНГ ҚУВОНЧЛАРИМ



Atlanta 1996

Тошкентда ва Андижон вилоятининг Асака шаҳрида «ЎзДЭУавто» заводининг ишга туширилиши муносабати билан тантаналар ўтказилди.

Ушбу тарихий воқеалар арафасида Президентимиз Исроом Абдуганиевич Каримовнинг буйруғига биноан Жанубий Кореянинг «ДЭУ» корпорацияси гуруҳи раиси Ким У Джун «Дустлик»

ордени, компания раиси Ли Кван Ки «Шуҳрат» ордени билан, «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасидаги бир гуруҳ корейс мутахассислари фахрий ёрликлар билан мукофотландилар.

Қаранг, қандай бахт, муштақил Ўзбекистонимизнинг Президенти буйруғи билан ҳорижликларга берилган мукофот шундай қадр-қиммат билан қабул қилинмоқда. Бу воқеалар билан қанча фахрлансак, қанча гурурлансак арзийди.

Ж. СОЛИЕВ,
Юнусободдаги Комил
Ёрматов номи мактаб
ўқувчиси.

Бир минг тўққиз юз тўқсон олтинчи йилнинг ун тўққизинчи июли. Ушбу кун ҳаётимда энг унутилмас дамлардан бири бўлиб қолса керак. Яна уйламанг Жамолдин «Ҳазил гап» қилаётган деб. Ундай эмас эканлигини ҳозир сизга исботлаб бераман.

Шодлигимнинг биринчи сабабчиси Американинг Атланта шаҳрида бошланган олимпиададир. Унда Ўзбекистонимиздан 76 нафар полвон ака ва опаларимиз спортнинг 13 тури бўйича кураш олиб бормоқдалар. Улар Ўзбекистонимиз тарихида биринчи бўлиб олимпия солномасини бошлаб берувчилардир. Паҳлавон ака - опаларимизни океан ортига жунаб кетишлари олдида Президентимиз қабул қилиб, беллашувларда омад тилади. Ушбу муқаддас тилаклар спортчиларимизни доимо ғалабага руҳлантириб, мадад бериб туради, деб уйлайман.

Энди иккинчи сабабга келсак, шу кун пойтахтимиз

Сахармардондан янграган чорловтовуши «Уйрул»лик болаларни ҳайратга солди.

— Ие, «Оқсой»ликлар бизникиларни беллашувга чорлаётими?

— Йўқ, бу мусобақа олдиндан келишилган, тайергарлик ҳам анчадан буён давом этиб келаяпти. Кеча «Паҳлавон» клубига боргандим, кураш тушаётган спортчиларни куриб ҳавасим келди.

Болаларнинг узаро савол-жавобларидан куриб турибдики, шу кун икки қишлоқ спортчи

«ПАХЛАВОН»НИНГ ПАХЛАВОНЛАРИ

усмирлари уртасида каттакон беллашув бўлади.

Кечга бориб мусобақа бошланди. Кескин олишувлардан сўнг голиблар ҳам аниқланди. Улар Самарқанд вилояти, Нуробод туманидаги «Паҳлавон» клуби полвонлари эди. Бурхон Даминов номли 12-мактабда ташкил этилган ушбу кураш маскани уч йилдан буён иш олиб бормоқда. Утган вақт ичида бу ерда иштирок этаётган ёш спортчиларнинг кураги ерга теккан эмас. Улар тез-тез яқин атрофдаги «Оқсой», «Тоқбулоқ» сингари қўшни қишлоқлардаги тенгдошлари билан кураш тушиб турадилар. Яқинда бўлиб ўтган мусобақа эса Атланта шаҳрида ўтаётган 76 нафар ҳамюртларимиз қатнашаётган мусобақаларга бағишланди.

Феруза ШОДИЕВА.



Олимпиадачилар ўз оралиқда

Дадам, ойим, маҳаллаимиз болалари, хуллас ҳаммамиз спортни севаимиз. Ёзги таътил бошланибдики, кўп қаватли уйимиз олдидаги махсус майдончада футбол, теннис, шахмат-шашка, волейбол, кураш бўйича беллашувлар ўтказамиз. Атлантада бошланадиган спорт мусобақалари олдида дўстларим Жамол, Козим, Шуҳрат, Тулов, Наби ва бошқалар билан савол-жавоб мусобақаси ўтказишга келишиб олгандик. 19 июль кун и беллашувни ўтказдик.

ГОЛИБЛАРГА, ЙЎҚ, ҲАММАГА МУЗҚАЙМОҚ

— Ким яхши иштирок этса, музқаймоқ мендан, — дедилар уйинимизга ҳакамлик қилаётган ойим.

Биз рози бўлдик. Кураш қизигандан қизиди. Биз олимпиада ҳақида назаримда билганларимиздан ҳам кўпроқ нарсалар айтиб бердик. Мақтаниш эмасу, кўпроқ мен гапирдим. Чунки спортга қизиқаман-да.

Уйин охирида ойимлар аввал голибларга, кейин ҳаммага музқаймоқ улашдилар.

Сирожиiddин АЛИМОВ,
Тошкентдаги 217- мактаб ўқувчиси.

ЎН НАФАР ТҮЙБОЛА

Ҳар бир ўғил бола ўз суннат тўйини ширин хотиралар билан эсласа керак. Совға—саломлар эгаси бўлиш кимга ёқмайди, дейсиз. Ана шундай қувончли кун Жиззах шаҳридаги Чўпон номи мактаб-интернатида бўлиб ўтди. Вилоят ва шаҳар ҳокимликлари, вилоят болалар жамғармаси «Меҳрибонлик уйи» билан ҳамкорликда уюштирган бу тadbир мактаб-интернатнинг ўн нафар тарбияланувчисига бағишланди. Тўй болаларга қимматбаҳо совғалар, кийим-кечаклар, улар номига пул қўйилган омонат дaфтарчалари тақдим этилди.

БИР МИЛЛИОН НУСХАДА

Информатика фани ихлосмандлари учун янги ўқув йили тўхфали бўлди. Гап шундаки, мактабнинг 8—9 синф ўқувчиларига мўлжалланган «информатика ва ҳисоблаш техникаси асосларидан машқлар тўплами» қўлланмаси чоп этилди. «Шарқ» нашриёт-матбаа концернида босмадан чиққан бу дарслик бир миллион нусхада бўлиб, барча мактаб кутубхоналарига топширилди. Қўлланма муаллифлари профессор Абдуқаҳҳор Абдуқодиров ҳамда Анвар Ҳайитовдир.



**БИР
ҲАФТА
ЯНГИЛИКЛАРИ**

«ФУТБОЛ ҒУНЧАЛАРИ»

Футбол—каттаю кичик қизиқадиган спорт тури. Бунга жаззахликлар яна бир бор гувоҳ бўлишди. Кун кеча бу ерда вилоят ва туманлар уртасида бўлиб ўтган «Футбол ғунчалари» турнирига республикамизнинг барча жойларидан вакиллар йиғилишди. 12 ёшгача бўлган болалар уртасида ўтказилган беллашув юртимиз муштақиллигининг беш йиллигига бағишланди. Унда виллоятнинг Дўстлик тумани ёш футболчилари турнир голиби бўлишди.

«БИНАФША»ДАГИ БЕЛЛАШУВ

Ҳозир юртимиз оромгоҳларида турли тadbирлар қилинган палла. Шундай тadbирлардан бири Қибрай туманидаги «Бинафша» ёзги дам олиш масканида бўлиб ўтди. Унда гуруҳлар уртасида турли спорт мусобақалари, қўшиқ, рақс бўйича ҳаваскорлик кўрик-танловлари уюштирилди. Мусобақада оромгоҳнинг «Бинафша» гуруҳи биринчи ўринни эгаллади. Голиб гуруҳга оромгоҳ маъмуриятининг эсдалик совғалари топширилди.



ДАЛА ЗАВҚИ

— Умаржоннинг кичик угли хуп ақлли, қобил чиқди-да, ҳали қарасанг елкасида қоп, пичанзордан қайтаётган, ҳали қарасанг молларига ут-улан, ем ташиётган булади. Хуллас, бекор, сандироқлаб юрганини курмайсиз.

— Усмоналининг набирасини айтмайсизми?

Улугбек катталардан ана шунақа сузларни эшитганида узи ҳам мактовга лойиқ иш қилишга интилар, «Одамларнинг назарига тушишнинг ҳам узи бўлмайди-да» деб уйларди.

— Мол-қўйларга ем-хашакни ҳозир ғамлаш керак, — дейишди уйдагилар бу юмушни боланинг уз ихтиёрига ташлаб.

Ақлли одамнинг садагаси кетса арзийди, деганларидек, Улугбек дарров ишга киришди. Дала четлари, ариқ бўйларида ут йиға бошлади. Аввалига қуритди, кейин бог-боғ қилиб, ем сақланадиган омборхонага киритди. Унинг меҳнати самараси тобора қурина бошлаган сайин завқи ортар, яна ишлагиси келарди. Куп утмай унинг ёнига мактабдошлари Сардор То-

ЁЗ — Қўймоқда соз



жибоев, Азимжон Жалилов қўшилди. Энди улар ҳам сайру саҳат қилиб, ҳам турли уйинлар уйнаб, ҳам мусобақалашиб меҳнат қила бошладилар.

ПОЛИЗ ҚУВОНЧИ

Ойбек билан Абдурасул тонг саҳарда полизга киришди. Помидорларни авайлаб теришди, қутиларга жойлашди, бозорбоп бўлиши учун устига бир-икки сиқим майсалардан узиб ташлаб қўйишди. Бу — маҳсулотнинг курқини яна ҳам ошириб юборди.

— Узинг экиб, узинг парвариш қилган ҳосил бошқача булади-да, — деди Абдурасул юм-юмалоқ, сархил помидорлардан бирини тиш-

ларкан.

— Меҳнатингни аямасанг, ҳосил сендан ҳам уз лаззатини аямайди, — дейдилар дадам, — дустининг гапини тасдиқлади Ойбек.

Катталар келишганда ёш деҳқонлар бодринг ҳосилини теришга киришибган эди.

— Баракалла азаматлар. Агар булгор қалампири, сабзиларни ҳам шундай жойлаштириб берсанглар, бизнинг маҳсулот бозорнинг олди булади.

Бу мактовлар болаларни янада яхшироқ ишлашга даъват этди.

Ҳикоямиз қаҳрамонлари — сурадаги болалар Тошкент вилояти, Тошкент туманидаги Ғ.Абдуллаев номли мактабда ўқишади. Уларнинг нияти юртдошлари дастурхонини тукин қилиш.

Р.АЛЪБЕКОВ олган суратлар.

Мустақил юрт болалари иқтидорлидир

Савдо расталари оралаб бораётган Уктамжонни кимдир чақиргандек бўлди. Угирилиб қаради. Кексагина аёл қўлида бир даста сигареталардан бушаган қутиларни кучганича унга қараб турарди.

— Болам, ановиларни қўлимга тутқазиб юбор, сизмади, — илтимос қилди аёл.

Уктамжон ерда ётган бир нечта қутини қўлига олиб, янги таниши билан ёнма-ён юра бошлади. Усмирни воқеанинг давоми қизиқтирарди.

— Юринг, уйингизга кузатиб қўяман, — деди ва сўради:

— Бувижон, бунча қутиларни нима қиласиз?

КИМДИР ЧАҚИРГАНДЕК БЎЛГАНДИ...

— Э, болам, буларнинг иши куп, аввал қийиб чиқаман, кейин бутун санъатимни бериб, эшик-деразаларга дарпардалар ясайман. Улар шу қадар чиройли ва мустаҳкам буладики, харидорларнинг узлари келиб олиб кетишади.

— Ҳунарингизни бошқаларга ҳам ургатасизми?

— Сенга албатта ургатаман, уйимни қуриб олсанг, истаган вақтингда келишинг мумкин.

Орадан бир неча кун утгач, Уктамжон уша кампирни-кига боришга аҳд қилди.

Йўлда мактабдош дўстини учратиб қолди. У техника ижодиёти маркази қошидаги авиамоделчилар тугарагига қатнарди.

— Қўйсанг-чи, унақа майда-чуйда ишларни, — ҳазил аралаш уртоғини «йўлдан ура» бошлади мактабдоши. — Ундан кура юр, ҳозир Игорь Борисович ҳузурига.

Хуллас, икки дуст Асака шаҳридаги техника ижодиёти марказига йўл олишди.

Асака шаҳридаги 2-мактабнинг 5-синфини аъло баҳо-ларга тутатган Уктамжон Усмонов Игорь Борисовичга шо-гирд тушгач узини ниҳоятда интилувчан, иқтидорли эканлигини курсатди. Турли картонлар, сигарета ва бошқа турли-туман қутилардан у ясаган уйинчоқлар ҳаммани қизиқтирарди. Шунинг учун ҳам Уктамжон иқтидорли болаларнинг республика курик-танловида иштирок этиб қатнашди.

Усмон ДАВЛАТОВ
Асака шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси.



БИРИНЧИ

Билиб қўйган яхши

АВТОМОБИЛ

Республикамизда дастлабки автомобил 1902 йилда пайдо бўлган. Ана шу вақтдан тўрт йил утгач, «Скобелев — Горчаково» (ҳозирги Фарғона — Марғилон) йўналиши бўйича мунтазам қатновчи автобус ҳаракати йўлга қўйилди. 1910 йилга келиб Тошкент шаҳрида биринчи автобуслар пайдо бўлди.

Туркистонда автобусларнинг шаҳарлараро йўналиш бўйича мунтазам ҳаракати ҳатто Москва, Санкт — Петербургдан ҳам аввалроқ йўлга қўйилган.

Машҳур «Мерседес»

Бенц» фирмасининг энг камёб русумдаги, табиийки, энг юқори баҳо-даги автомобилларидан бири ғарбий германия-лик таниқли мусиқачи Дитер Болен ихтиёрида. Автомобил «Мерседес 500—ЕК» деб номланиб, унга мампакатда уч ки-шигина эга, холос.

Машҳур энгил маши-напардан яна бири



«Тойота—Королла» ҳи-собланади. Уни дунё-нинг куплаб шаҳарлари-да, жумладан Ўзбекис-тонда ҳам учратиш мум-кин. «Королла» омма-лашганининг боиси уни-нг содда тузилиши, ёқил-гини кам сарфлаши ҳам-да аъло сифати ҳисобла-нади.

Ҳозирда автомобил ишлаб чиқарилиши миқдори бўйича «Ко-ролла» дунёда фақатги-на таниқли «Фольксва-ген» («Қўнғиз» пақабли) автомобиллигагина е-берилади.

Ф. ОРИПОВ тўплаган.

УНГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ

Таътил кунларида буш юрмагин деб, ойим инглиз тили муаллимасига бириктириб қуйгандилар. Ҳафтасига 3 марттаба мунтазам қатнашман. Тунов кунни трамвайда кетаётсам, кимдир бехосдан елкамга қул ташлади. Қарасам, синфдошим Қахрамон. Минг йилдан буён кўришмаган қадрдонлардек кучоқлаша кетдик, ҳол-аҳвол сурашдик.

— Хуш оғайни ишлар қалай? Йул бўлсин? — сўрадим мен.

— Қаерга буларди, бозорга да, — деди у орқароқда турган каттакон сумкаларга ишора қилиб. — Ул-бул сотишда тоғамга қарашиб юрибман. Тушуми ёмон эмас, кўриб турганингдек. Ҳақиқатан ҳам юриш-туришлари бинойидек, энгиди русмбоп «дода» кийимлар...

— Узингнинг ишларинг қалай? — суради мендан елкамга қул ташлаб. Репетиторга қатнашсанми? Анча-мунча урганиб қолгандирсан-а? Инглиз тилида бирон нима дегин.

Мен билганимча инглизча-лаб ҳол-аҳвол сураган бўлдим. Гап билан бўлиб, тушадиган бекатимиз яқинлашиб қолганини ҳам пайқамай қолибмиз. Апил-тапил чунтак кавлашга тушдим. Шунда Қахрамон қулимдан тортиб: «Қуйсанг-чи, кавлама, менда майда бор» деди-да, чунтагидан бир даста пул чиқариб, иккита чипта учун пул тулаб юборди.

— Об-бо, уртоқжоней, ҳақиқий инглиз бўлиб кетибсан-ку, — деди Қахрамон катта-катта юк сумкаларини судраб тушаркан. — Сенга жуда ҳавасим келяпти. Худди узбек тилида гапирётгандек бемалол сузлаясан-а.

Унинг менга астойдил ҳаваси келди, менинг эса унга...

Акмал ҲАЙДАРОВ,
Тошкент шахри.

КИМНИНГ ДАДАСИ ҲАҚ?

Дугонам Сабоҳат билан бир дор қўшнимиз. Биргаликда уйнаймиз, кучаларимизни ҳам бир вақтда супуриб-сидирамиз. Айниқса, ҳозирги таътил кунларида уззукун биргамиз. Уларнинг ҳовлисида каттакон урик дарахти бор.

Унинг соясида туптош уйнаймиз, аргимчоқ учамиз. Уйинчоқларимиз эса ҳовлимиздаги супада туради. Салқин тушиши билан бизни кига чиқиб «хола-хола» уйнаймиз. Уйинга берилиб кетганимиздан, тушлик қилиш ҳам эсимиздан чиқиб қолади. Дадаларимиз ҳам, ойиларимиз ҳам жонажон қўшни эдилар. Нима бўлди-ю дадаларимиз хафалашиб қолишди. Уз-уздан ойиларимиз ҳам кирди-чиқди қилмай қуйишди. Тунов кунни Сабоҳат мени қақириб келди. «Ҳозир» дея жавоб беришга улгурмасимдан, дадам ичкаридан, «Сабоҳат уйнамайди, бошқа чақирмагин», дея бақириб бердилар. Шу-шу у чиқмай қуйди. Менга ҳам уларни кига чиқишни тақиқлаб қуйишди.

Тунов кунни дарвозамиз олдини супуриб, сув сепаётгандим. Қарасам, Сабоҳатнинг дадаси ишдан қайтаётган экан. Саломимга алик олмаса керак, деган ҳаликда, оҳистагина салом бердим.

— Ваалайкум ассалом, она қизим. Дам олишлар яхши уятпти-

мактабимизда тантанали йиғилиш — «Сунгги кўнғироқ» бўлади, — дея эълон қилди. — Юқори синфдаги ака-опаларингизни мустақил ҳаётга кузатамиз. Ораларингиздаги аълочи, жамоатчи ва интизомли ўқувчиларга «Фахрий ёрликлар» топширилади.

Моҳира опа негадир «аълочи», «жамоатчи» сузларига алоҳида ургу бериб айтди-да, Камолага маъноли қараб қуйди. Камола эса буни пайқамди ҳам.

Шу кунни у мактабдан шодон қайтди. Кийимларини ювди, дазмоллади. Уз ҳолича эртанги кунга, «Фахрий ёрлик» олишга тараддудланди. Лекин йиғилиш у уйлагандек утмади. Тақдирланган ўқувчилар рўйхатида уларнинг синфидан фақат биргина ўқувчи — Нигора Сафарова — Камоланинг энг яқин дугонаси бор эди ҳолос...

Йиғилиш тугагач, ўқувчилар келишиб олишгандек, ёзги таътил-



бироз пасайиб бораётгани, аълочиман дея, уртоқларини писанд қилмай қўяётгани, хатто ўқитувчиларга ҳам қўрслик қилиб, гап қайтараётгани ҳақида гапирганди.

куча чангитиб футбол уйнашдан, бемаҳалда тулланишиб, гаплашиб ўтиришдан кўра, уйда ўтиришни, бирорта бадий китоб ўқишни ёқтираман. Дадам уззу-кун ишдалар. Шунинг учун ҳам рузгордаги эркакча юмушларнинг бари менинг зиммамда.

Нима қилай, ёшлигимданоқ ойим шундай тарбиялаганлар. Ҳар бир қадамимни назорат қилиб борардилар. Мактабга ҳам қулимдан етаклаб олиб борардилар. Ҳозирга-ча бирор юмуш билан дуконга чиққудек бўлсам, кучага чиқиб, йулимга қараб турадилар ва ҳар гал, дукон орқасида сигарет чекиб ўтирган болаларнинг ёнига бормегин, дея тайинлашни канда қилмайдилар.

Бир кунни қўшни хонада дадам билан ойимнинг баланд-баланд овозларда баҳслашишга бехосдан қўлогимга чалиниб қолди.

«Болалар тугри айтишибди, ўғлимизнинг ҳар қадамини тергайвериб, «уй қизи» қилиб қуйдинг. Мен унинг ёнида кучадан бери келмасдим, буш шишаларни териб пуллардим, бозорда ҳул мева сотардим. Хуллас, уз харажатларим учун узим пул топардим. Ёш-ликдан пул топишга урганиб, мана, кам булганим йўқ. Ўғлимиз эса бутунлай акси. Бирор жойга юборишга ҳам қўнгли булмайди одамнинг. Кўпроқ кучага чиқсин, болалар билан уришсин-талашсин. Узини ўзи ҳимоя қила оладиган ҳақиқий бола бўлиб уссин. Ахир ҳадемай оила боқад-я?! — дердилар дадам жигибийрон бўлиб.

— Вой дадаси, уйлаб гапиряптисми? — эътироз билдирардилар ойим. У тенги болаларнинг бекорчиликдан куча-қуйда сангиб, безориликлар қилиб юришгани, билиб-билмай ҳатто жиноятларга ҳам қўл уришгаётгани ҳақида озмунча воқеалар эшитяптисми, ахир? Ўғлимизни ақлли-хўшли, кишилар ҳавас қилгудек қилиб тарбиялаётганим учун раҳматингизми бу ҳали...

Уларнинг баҳслари узоқ давом этди. Мен эса ким ҳақлигини билалмай гаранг эдим...

Шавкат АЛИБОВ,
Самарқанд вилояти.



ми? — дедилар қутилмаганда. — Нега бизни кига чиқмай қуйдинг, Сабоҳат зерикиб қоляпти-ку. Чиқиб тургин, хўпми?..

Мен эса нима деб жавоб қайтаришни билмай, шошиб қолдим. Айтинг-чи, дўстларим, кимнинг дадаси ҳақ?..

Шахло СОДИҚОВА,
Андижон вилояти,
Балиқчи тумани.

ХАТОСИНИ ТУШУНДИ — Ю, ЛЕКИН...

Ўқув йилининг охириги кунлари эди. 4-«А» — синф раҳбари Моҳира опа шоша-пиша хонага кириб келди-да;

— Болалар, эртага соат 9 да

ни қандай ўтказиш ҳақида маслаҳатлашиб олишмоқчи эди. Лекин Камола ҳеч кимга қарамай кетиб қолди.

— Камола, дугонажон...

— Мени дугона дема, энди сен билан дўст бўлмайман, — деганча югуриб кетди. Уни тўхтатмоқчи булган Нигоранинг гапи оғзида қолаверди.

Йул-йулакай йиллигида бирор-та ҳам «4» баҳоси бўлмаса-да, унга «Фахрий ёрлик» беришмагани ҳақида уйлаб борарди. Уйга келиб, уз хонасига кирди-да, ечинмай ҳам етиб олди. Бувиси меҳрибонлик билан: «Сенга нима бўлди, она қизим? Тобинг қочиб қолмади-ми? Чиқ, яхши курган таомингни пишириб қуйдим», дея тушликка таклиф қилганида, «Э-эй, еявермайсишларми, ҳозир жуда таом ейдиган бўлиб турибман» дея жеркиб ташлади.

Кеч кириб, дадаси ишдан қайтди. Одатига кўра Камола дадасининг қулидан портфелини олиб, салом берди. Дадаси эса эпитилар-эпитилмас алик олди-да, қовоғини уйганча ичкарига кириб кетди. Камола дадасининг ҳолатини тушуниб турарди. Ҳаммасига тунов кунги воқеа сабаб. Ота-оналар мажлисида ўқитувчиси Камоланинг кейинги пайтларда интизоми

Ушанда Камола урнидан даст туриб: «Ҳечам-де, қачон қўрслик қилибман» дея ўқитувчисига гап қайтарганди. Шу кундан буён дадасининг кайфияти йўқ. Аввалгидек «асал қизим» деб эркатлашлар у ёқда турсин, саломига ҳам базур алик оляпти. «Мактабдаги кўнгилсизликлар етмагандек, даданинг қовоқ-тумшук қилишлари ортиқча, — уйларди Камола узича, — шу қилишганига кечки овқатга ҳам чиқмайман. Барибир узлари чақиринишди»...

...Оила аъзолари кечки овқатга ўтиришди, лекин ҳеч ким Камолани эсламади. Меҳрибон бувижониси ҳам, ойиси ҳам, ҳатто дарс тайёрлаётганида киравериб безор қиладиган сингилчаси ҳам унинг ёнига кириб, овқатга чақиринишмади... Узи чиқиб, ҳаммаларидан узр сурай деса, гурури йул қуймайди. Сизлар нима дейсизлар, Камола ҳақми?

Чарос ФИЁСОВА,
Чилонзор туманидаги
188-мактаб ўқувчиси.

МЕН «УЙ ҚИЗИ» ЭМАСМАН

Маҳалламиздаги болалар ҳам, синфдошларим ҳам орадан бирор гап утгудек бўлса, мени «уй қизи» дея мазаҳ қилишади. Бунинг бойси, менинг кучага жуда кам чиқишимдан, доим ҳам болаларга қўшилавормайман. Аввалига ойим чиқармасдилар, ҳозир эса узимнинг чиққим йўқ. Улар каби



Эртак кетидан эртак



... Бир йуқ экан, қадимда бир овчи йигит утган экан. У бир куни бургут солиб, ов қилиб юриб, тошга қуниб турган бир кук қушни куриб қолибди. Қушнинг қошига яқин борса ҳам, у учмабди. «Бу қандай куш бўлди экан?» деб ушлаб олиб қараса, қаноти, думи юлинган экан. Қушга раҳми келиб, уни уйига олиб келибди.

— Болам, бу қушчани ун беш кун парваришлаб, сунгра истаган томонига учуриб юбор, — дебди отаси. Йигит отасининг айтганини қилибди. Кук қушни яхшилаб парваришлабди. Шунда қушча тилга кириб:

— Бошинга бирор мушкул иш тушса, мени қидириб топгин, — дебди-да, учиб кетибди.

Кунлар кетидан ойлари утибди. Вақти-соати етиб, йигитнинг ота-онаси оламдан утишибди. Йигит ночор аҳволга тушиб қолибди. Кийинга кийими, еярга овқати ҳам қолмабди. Шунда кук қушнинг гаплари ёдига тушибди: «Мушкул дамларингда мени излаб топгин деганди. Хаёлига келган фикридан шодланиб, йулга тушибди.

Тун юрибди, кун юрибди, олдида бир мўйсафид чиқиб қолибди.

— Йул бўлсин, йигит? — сурабди мўйсафид.

— Ота-онам қазо қилиб, ночор аҳволга тушиб қолдим. Бир кук қуш дўстим бор эди, шунга ахтариб кетаяпман. Унинг қаерда яшаганини билмайсизми? — деб сурабди чолдан.

— Қаерда яшаганини билмайману, мабодо уни топгудек бўлсанг, кичкина кук сандигини сурагин, — дея маслаҳат берибди отахон.

Йигит унга раҳмат айтиб, йулида давом этибди.

Куп овора бўлиб, кук қушнинг маконини топиб борибди. Кук қуш йигитни яхшилаб меҳмон қилибди, кийинтирибди. Бир неча кундан сунг йигит у зуртига қайтмоқчи бўлибди.

— Атайин олис юртдан излаб келибсан, тила тилагингни, — дебди кук қуш.

— Менга куп нарса керак эмас, миттигина кук сандигингни берсанг, кифоя, — дебди йигит.

— Майли бераман, фақат уйингга борганда очгин, — тайинлабди кук.

Йигит узоқ йул юриб, чарчаб-ҳориб, булоқ бўйида дам олишга утирибди. Сабри чидамай сандикни очиб юборибди. Унинг ичидан «шир» этиб иккита кук каптар учиб кетибди. Йигит изма-из бориб, улардан бирини тутиб олибди. Иккинчисини тутай деганда, қаердан-дир кукёл бури пайдо бўлиб қолибди-да, каптарни емоқчи бўлибди. Шунда йигит:

— Ҳой, бури дўстимдан сураб олган каптаримни емагин, — дея илтижо қилибди.

— Каптарингни емасам, бир йилдан сунг узингни ейман, розими-сан? — дея шарт қуйибди. Йигит рози бўлибди.

Йигит уйига етиб келиб, сандикни очибди. Икки каптар учиб чиқиб, уйнинг эшигига қуниб олишибди. Шу кундан бошлаб йигитнинг уйида ҳамма нарсалар муҳайе бўлиб, у бой-бадавлат бўлиб кетибди.

Куз очиб юмгунча орадан бир йил утиб кетибди. Кукёл бурининг йигитни ейдиган вақти етибди. «Бутун бури келиб мени ейди,» деб қурқиб ётганида, қандайдир баҳайбат қуш келиб уни даст кутарибди-да, осмонга олиб чиқиб кетибди. Йигит қурқувдан ҳушини йуқотибди. Бироздан кейин узига келиб қараса, қалдрони кук қуш қошида утирган эмиш. «Дўстим була туриб нега мени шунчалик қурқитдинг?» дея уркалабди.

— Мен сени қурқитганим йуқ. Аксинча, сенга ҳамла қилмоқчи бўлган кукёл бурининг чангалидан кутқариб қолдим, — дебди қуш. Сени емоқчи бўлган кукёл бури менинг ноқобил акам булади. У менинг патларимни юлиб, қанотларимни синдириб, саҳрога ташлаб кетган эди. Сен эса мени кутқардинг. Яхшилиқ қилиш навбати энди меники эди...

Козоқчадан Қидирбой ТҰЛАБОВЕВ таржимаси.

(Давоми. Боши утган сонда)

Ал-Фаробийнинг шарҳи унинг учун ана уша сеҳрли, мураккаб дунёга йул очгандай. Арас-ту «Метафизика» сининг энг чигал, қийин муаммоларини осонлик билан ечиш, тушуниб олиш учун ажаб тугил имконият тугилган эди.

Ибн Сино ички ҳаяжон ва меҳр билан китоб муқовасига куз югуртирди. «Арасту илоҳиётининг мақсадлари хусусида», деб беихтиёр энтикди. «Балли Фаробий, ақлингга тасанно, шунча вақтдан бери қайда эрдинг, азиз устоз, муаллим. Арасту ям-яшил майсалар узра гавҳару инжуларни сочиб юборибдию, сен аларни битталаб маржондек ипга тизибсан, кўзимни очдинг, зиё бахш эт-

натдорчиликлар билдириб, кейин қандай йул билан бўлмасин анави ғариб аёлни топиб, унга кўлдан келган ёрдамимни аямас-мен. Китоби учун огриниб уч дирҳам бергандим. Аллоҳ бу феълим учун кечиргай, оёғим тагида ҳазина ётган эркан-ку, мен бўлсам керак эрмас, деб ношукрлик қилибмен. тасаннолар бўлсин Муҳаммадга, қуярда-қуймай шу китобни менга сотди.

Китоб эгаси ахир Муҳаммад хузурига ҳақини олиш учун келади-ку! Қизик, ул аёл нечун бозорга китоб олиб чиқибди. Шундан бошқа сотгулик нарсаси йуқ эркан-да! Ажабо, бир ночор оилага ал-Фаробий китоби қайдан келиб қолибдур? Афтидан соҳибаси анча маърифатли оиладан бўлса керак-да! Кимнинг аёли экан узи? Балки бир ночор бевадур, болалари купдур.

Максуд ҚОРИЕВ



Балки Муҳаммад китобфурш уни билур. Аёлни топиб, мана шу китоби учун уч дирҳам эмас, қанча олтин берсам ҳам озлик қилур, ҳатто

динг менга улур мутафаккир. Балли сенга, ақл-идроқинг олдида бош эгурмен, устоз».

Ибн Сино Фаробий «Илоҳиёт»ини мутлола қилар экан, куз унгида илму донишнинг илгари, узи тушуна олмаган янги-янги қирралари намоён бўлмоқда эди. Во, ажабо. Арастунинг маънавий дунёси, унинг ақл-заковатига тасанно! Мана маърифат. Бундай инсонлар юз йилларда ҳаётга бир бор келур. Шунча вақт мен унинг илм оламига кира олмай юрган эдим, мана энди ҳаммаси равшан.

Ибн Сино китобдан бир дақиқа ҳам кўзини узолмас, ҳар варақни уқиганда. «Барақалло», «Офарин, Фаробий», Арастуга офарин», деб қуярди. Ғуе бир лаззатли емакни танаввул этаётгандек чанқаб кетиб, косадаги муздек сувни жон-дили билан шимиради. Тун ярим кечадан оғиб кетган бўлса ҳам, аллома бедор, фикри уйғоқ. Чарчамас, ўқиб кўзи толмас, айни куч-қувватга тўлган, илмга чанқоқ вақти эмасми?! Ахир у эндигина ун саккиз ёшга қадам қўйди, чарчаш нималигини билмас, Шарқ оламида шу пайтгача яратилган илм мулкининг куп рисолияларини синчковлик билан ўқиб чиққан, интиқосининг сунгиси ҳам шу эди. Минг шукрларким, тушунолмайд юрган нарсасини мана энди билиб олди.

Бу «Аллоҳнинг инояти» кунгилдан утказди у. Ҳа, уша аёлга китоб бериб менга деб юборган тапгри-таолонинг иноятига минг бор шукрлар айтиб, назр-ниез этмоқ даркордур, деган фикр келди кунглига: эртагаёқ китоб бозорига йул олурмен, Муҳаммадни топиб, унга беҳад мин-

башларидан зар сочсам ҳам арзир.

Тонг отишига ҳали анча бор. Самога тикилди. Зухол ҳали кутарилмабди. Кат чеккасида Маҳмуд пиш-пиш ухламоқда. Салқин тушганлиги учун жунжикиб, дастурхонни устига ёпиб олибди. Ёнида ярим палла чала ейилган тарвуз, Маҳмуд ҳатто уруғларини олиб, киришга тайёрлаб қуйибди. Қириб ҳам қуярди-ку, аммо акаси узи, фақат узи қириб ейишни ёқтиради. Ҳа, яхши куради шундай қилишни. Бунга отасидан урганган. Абдуллоҳнинг одати уғлига ҳам утган. Отаси Афшонада туришганда то кукламга тарвуз, қовун, узум, анор, беҳи ва бошқа меваларни сақлар эди, бутун оиласига ҳам шунга ургатган. Онаси Ситорабону бу ишларга ҳаммадан ҳам чечан. Кейин анорни айтмай-сизми, уни Хусайн жуда ёқтиради. Уғлим яхши куради деб, Ҳиротдан бўлса ҳам анорнинг сара хилларини олдириб келиб, эҳтиётлаб сақлаб қўяди онаизор. Фақат Хусайнга дейди, нима қилса ҳам куз очиб курган фарзанди, унинг учун гоёт азиз, меҳрибон. «Бахт юлдузи билан тугилган бу фарзандим, ҳаммаша шундай дегани деган. Ситорабону Хусайнга негадир алоҳида меҳр билан қарайди, бунга гоҳи Абдуллоҳ: «Ҳадеб Хусайн, Хусайн деярверасан, кун чиқса ҳам Хусайнга, ой чиқса ҳам Хусайнга экан-да, ахир углинг биттами, Маҳмуд-чи», деб уни гирдобга олиб қолади. Шунда Ситорабону:

Давоми бор.



ТОНГ ЮЛДУЗИ
Ўзбекистон болалари ва
ўсмирларининг газетаси

Бош
муҳаррир
Умида
АБДУАЗИМОВА

Тахрир хайъати:
Наримон ОРИФЖОНОВ,
Омон МАТЖОН,
Гулнора ЙҮЛДОШЕВА,
Марат ШАФИЕВ,
Феруза ЖАЛИЛОВА.

IBM компьютерида терилди ва
сахифаланди. Оффсет усулида
босилди. Ҳажми 1 босма табоқ
Буюртма — Г-0377.
7691 нусхада босилди.
Қозоқ бичими — А-3.
Босишга топшириш вақти 19.00
Топширилди — 18.30

Рўйхатдан ўтиш тартиби
№ 000137
Манзил: 700083,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси,
32-уй.
Навр кўрсаткичи: № 64563
Телефон:
33-44-25